
ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА 8 ТА SWAN ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг “Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock Co. Ltd” компанияси томонидан Фарғона шаҳридаги собиқ Механика заводи ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

“Ferghana Swan Cotton Industrial Machinery Stock Co.,Ltd” корхонаси ташкил этилиб, рўйхатдан ўтказилди. Техникаларга сервис хизмати кўрсатиш ҳамда ўқув маркази ташкил этилди.

Вилоят ҳокими бу ерда фаолият бошлаган ўқув маркази билан яқиндан танишди. Айни кунларда хитойлик мутахассислар томонидан вилоятимиздаги фермер хўжалиklarининг механизаторларига замонавий пахта териш машиналарини бошқариш бўйича беш кунлик ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Шу жойда 8 та Swan пахта териш машиналари вилоятимиздаги фермер хўжалиklarига топширилди.

Вилоятимизда бу йил илк бор мавсумда 65 та пахта терадиган машиналар иштирок этмоқда. Эътиборлиси, унинг 45 таси Фарғонада йиғиладиган Хитойнинг “Shandong Swan Cotton Industrial Machinery Stock Co.,Ltd” компаниясининг, 15 таси “John Deere” ва бошқа пахта териш машиналаридир.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-13 00:06:23